

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОН

Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Тижорат банклари фаолиятини бошқаришда акциядорларнинг ролини ошириш, банк ходимларини ишга ёллашнинг шартнома тизимига ўтказиш, кредитлар бериш ҳамда уларнинг қайтарилишини таъминлаш учун банкнинг раҳбар ва ижроия органлари жавобгарлигини ошириш, шунингдек хусусий банклар ташкил этиш жараёнини рағбатлантириш мақсадида қуйидагилар тасдиқлансин:

1. Акциядорлик тижорат банки тўғрисидаги Низом.
2. Акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Намунавий низом.
3. 1998 йилнинг 1 июлига қадар давлат маблағларини жалб этган ҳолда ташкил қилинган банкларнинг устав капиталдаги акциядорлик тижорат банкларининг Кенгашли тузилишини таъминлаш. Бунда банкларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтиришга ҳамда акциядорлар сармоясини қўшимча равишда жалб этишга, банкларнинг фаолиятини бошқаришда акциядорларнинг роли ва масъулиятини оширишга, банкларнинг ходимларини ишга ёллашнинг шартнома тизимига ўтказишга эътибор қаратилсин.
4. Юқоридагиларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига махсус комиссия тузиш тавсия этилсин.
5. Белгиланган қўйилсинки, банкнинг устав капиталда давлатга тегишли акциялар пакети 25 фоиздан ошган ҳолларда банк Кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан ишончли вакил киритилсин, унинг зиммасига мазкур акциялар пакети ишончли вакил қилинсин.
6. Акциядорлик тижорат банки Кенгаши:
 - банк филиалларининг бошқаруви ва раҳбарлари билан биргаликда банкни самарали бошқаришни ташкил этиш, мазкур Намунавий низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларининг талабларига мувофиқ кредитлар берилиши ва уларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун жавобгар бўлиши;
 - банк Бошқаруви раиси ва аъзоларини тайинлаши;
 - банк Бошқаруви раиси билан меҳнат шартномаси тузиши белгиланган қўйилсин.
7. Акциядорлик тижорат банкларига қуйидагилар тавсия этилсин:
 - икки ой муддатда қонунчиликда белгиланган тартибда ўз низомилари ва ички меъёрий ҳужжатларини ушбу Фармон билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ҳолга келтириши;
 - 1998 йилнинг охиригача акциядорларнинг умумий йиғилишлари ўтказилишини ташкил қилиб, уларда банклар Кенгашларининг таркибларини қайта қўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
 - Банк Бошқаруви раиси ва аъзоларининг белгиланган тартибда банк Кенгаши томонидан тайинланишини таъминлаш;
 - Бошқарув раисининг ва банк ички аудит хизмати раҳбарининг ҳар чора-қарордаги маърузаларини Кенгаш ҳузурида мунтазам тинглаб боришни амалиётга жорий қилиши.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қуйидагилар тавсия қилинсин:
 - тижорат банкларининг фаолиятини назорат қилиш
 - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк раиси Ф.Муллажонов зиммаларига юклансин.
9. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг

уларга нисбатан қатъий чоралар қўриш, ҳатто банк лицензиясини қайтариб олиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятларнинг ҳокимлари билан бирга бир ой муддатда хусусий сармоя иштирокидаги акциядорлик тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирларини, шу жумладан янги ташкил этилаётган ҳамда ишлаб турган тижорат банкларининг устав капиталига аҳоли ҳамда хусусий тадбиркорларнинг бўш пул маблағларини инвестициялаш ҳолатларини ошириш, моддий-техника базасини шакллантириш, шунингдек ходимлар билан таъминлаш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш чоғида шундай банкларга амалий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда:

1999 йилнинг 1 июлига қадар давлат маблағларини жалб этган ҳолда ташкил қилинган банкларнинг устав капиталдаги акциядорлик тижорат банкларининг мижозлари ўртасида жойлаштирилиши лозимлигини назарда тутиб, тижорат банкларининг устав капиталига нисбатан қўйилган талабларни қайта қўриб чиқсин;

8. Ўзбекистон банклари уюшмасига қуйидагилар тавсия этилсин:

- тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда банкларнинг мижозларини ва эҳтимол тутилган сармоядорларни ўзларининг эркин пул маблағларини банклар томонидан чиқариладиган акцияларга мақбул тарзда жойлаштиришлари учун кенг ахборот билан таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш;

9. 1998 йилнинг 1 декабрига қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда мунтазам суратда ёритиб бориш чораларини қўриш;

10. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1998 йил 2 октябрь

Касаба уюшмалари бозор шароитида

ИСЛОХОТЛАР СОХТАЛИКНИ КЎТАРМАЙДИ

Агросаноат мажмуида туб ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Шу туфайли кишиларнинг ишга, мулкка, хизмат бурчига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Муҳими, ноз-неъмат бунёдкорларнинг дунёқарашида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Мамлакатимиз раҳбари Биринчи қаҳриқ Республика Олий Мажлисининг X-сессиясида сўзлаган нутқида «Мамлакатнинг қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган аҳолиси катта қисмининг, балки бутун республика аҳолининг турмуш даражаси, унинг моддий фаровонлиги қишлоқ ҳўжалигидаги ишларнинг аҳолига, уни ривожлантиришнинг тезкорлиги ва самарадорлигига боғлиқ» деган эдилар. Бу йўл-йўриқ ва кўрсатма фаолиятимизнинг дастуриламали бўлиб хизмат қилмоқда.

Изчиллик, ташаббускорлик ҳамда қатъиятлик мақсадга эришишнинг асосий омиллари эканлигини яхши англаяпмиз. Бозор шароитида ижтимоий ҳимоя бағоят муҳим. Мазкур йўналишдаги фаолиятимизни намунали ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексиди белгилаб қўйилган жамоавий шартнома (битим)ларга кўпроқ таянмоқдамиз. Олиб борилган ташкилотчилик ишлари туфайли қуйи бўғинларда ҳам жамоа шартномаларининг аҳамияти чуқур англаб етилди. Шартномаларда икки томон бурч ва мажбуриятлари, манфаатлари ўз мужассамини топган. Муҳим ишда Нуробод, Пахтачи, Жомбой, Ургут, Булунгур туманларидаги қуйи ташкилотлар, Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд консерва», «Браво-сут», «Самарқанд - Прага» қўшма корхоналари намуна бўлишмоқда. Қувончли шуки, бу жамоаларда шартнома бандлари тўлалигича бажарилишига эришилаётган. Қишлоқ жойларда ўтган қисқа вақт ичида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида галла, ун, ёғ, гўшт ва бошқа неъматлар арзон нархларда тарқатилди. Пул ҳисобидан олти ярим миллион сўмлик мадад уюштирилди.

Ижтимоий ҳимоянинг муҳим шартларидан бири янги иш ўринлари яратишдир. Касаба уюшмалари ҳокимликлар билан ҳамкорликда фаолият юритиб бу борадаги тадбирларни изчил амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Ўтган йили қишлоқ жойларда 6451 киши муҳим иш билан таъминланди. Шу жумладан қишлоқ соноат корхоналарида 996 киши, маиший хизмат соҳасида 525, транспорт ва алоқа соҳаси-

да 441, бевосита қишлоқ ҳўжалигида 1267 киши иш билан таъминланди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса 3442 та янги иш жойлари очилди. Жойларда ҳиссадорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, муассасаларнинг вужудга келиши қишлоқ ҳўжалигидаги ортиқча кучларни улар ихтиёрига ўтказиш имкониятини берди.

Маълумки бир ижтимоий-иқтисодий тизимдан иқтисодига ўтиш осон кечмайди. Муайян қийинчиликларни енгиш, муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Аввалги йиллари баъзи ҳолларда меҳнатга ҳақ тўлашда номуносиватлик рўй берди, айрим жабул берилди.

Ишда баъзи бир камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Айрим ҳўжалик ва корхоналар соғломлаштириш масалаларининг моддий базасини мустаҳкамлашга етарли эътибор бермаётганлар. Бу каби муҳим ишларда ҳамон сансалорлик, боқимандалик кўринишлари оз бўлса-да, қузга ташланиб туради. Биз маҳаллий ҳокимиятлар билан бирга ўз муҳим масалани ижобий ҳал этишнинг аниқ чораларини кўраяпмиз. Саёй-ҳаракатлар қутилган натижаларни бермоқда. Бу йил болалар оромгоҳлари иш тубдан яхшиланди. Тармоқдаги 19 та сўлим масканда меҳнатқашларнинг 10 мингга яқин фарзанди кўнглини дам олди. Оромгоҳларни марказлашган ҳолда озиқ-овқат ва бошқа неъматлар билан таъминлашда бой тажриба тўпланди. Ҳозирги кунда Каттақўрғон туманидаги Мўмин номли оромгоҳ тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда.


Жисмоний тарбия ва спорт ҳаётимизнинг узвий қисмига айланган. Вилоятда тармоққа қарашли 335 та бошланғич жисмоний тарбия жамоаси ўз атро-

ни ўз ваколати доирасида қонуний ҳал этишга астойдил интильмоқда. Қуйи ташкилотларнинг ижобий ишлари кўп. Тармоқдаги 781 корхона ва ҳўжаликларда ишлаётган 415 ми-
нгдан зиёд ходимларга қулай ҳамда ҳавфсиз иш шароити яратиш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилди. Ана шу мақсад учун ўтган йили ҳамда 1998 йил мобайнида 93 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси бўйича раҳбар ходимларнинг ўқувлари ташкил этилди.

Қишлоқ меҳнатқашлари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш маънавий-маърифий, спорт тадбирларига кенг жалб этиш муҳим вазифаларимиздандир. Бунда муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида санаторий курортларда 3200 дан зиёд киши саломатлигини мустаҳкамлади. Шундан 50 тага яқин йўлланма «Оила йили» муносабати билан берилди.

Ишда баъзи бир камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Айрим ҳўжалик ва корхоналар соғломлаштириш масалаларининг моддий базасини мустаҳкамлашга етарли эътибор бермаётганлар. Бу каби муҳим ишларда ҳамон сансалорлик, боқимандалик кўринишлари оз бўлса-да, қузга ташланиб туради. Биз маҳаллий ҳокимиятлар билан бирга ўз муҳим масалани ижобий ҳал этишнинг аниқ чораларини кўраяпмиз. Саёй-ҳаракатлар қутилган натижаларни бермоқда. Бу йил болалар оромгоҳлари иш тубдан яхшиланди. Тармоқдаги 19 та сўлим масканда меҳнатқашларнинг 10 мингга яқин фарзанди кўнглини дам олди. Оромгоҳларни марказлашган ҳолда озиқ-овқат ва бошқа неъматлар билан таъминлашда бой тажриба тўпланди. Ҳозирги кунда Каттақўрғон туманидаги Мўмин номли оромгоҳ тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳаётимизнинг узвий қисмига айланган. Вилоятда тармоққа қарашли 335 та бошланғич жисмоний тарбия жамоаси ўз атро-



фига 30 ми-
нгдан зиёд
кишини бирлаштирган.
25 та йирик стадион, 581 спорт майдончаси, 3 та сув ҳавзаси, 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби намунали ишлаб турибди. Гуруҳ курмаксиз бўлмаганидек, Каттақўрғон, Тойлоқ, Самарқанд, Пайриқ туманларидаги баъзи бир ҳўжаликларда жисмоний тарбия ва спортга етарли эътибор берилмаётган.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, аинқиса ёшларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш энг муҳим масалалардандир. Буларсиз мамолотга эришиб бўлмайди. Тармоқ касаба уюшма ташкилотларига қарашли 76 та клуб, 97 та бадий ҳаваскорлик тўғрақлари, 47 кутубхона ишини намунали йўлга қўйишга астойдил ҳаракат қилляпмиз. Лекин бунинг учун ҳали кўп жон койитиш лозим.

«Оила йили» муносабати билан ўтказилаётган тадбирларимизга оилавий ҳаваскорлик гуруҳларининг жалб этилиши барчани қувонтирди. 18 та оилавий бадий гуруҳ, 200 дан зиёд бадий ҳаваскорлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Ҳаққимиз янги ажойиб истеъодларни таниди ва улар чуқур эъзозланмоқда.

Бозор талаби қатъий. Ислохотлар сохталикни кўтармайди. Боқимандаликдан дадил ҳалос бўлиб, ўз фаолиятини янги талаблар асосида қайта қура олган, салохияти кучли, омилкор кишиларга ишончли оқлай оладилар. Бунинг учун тинмай изланишимиз, илгорлар тажрибасини чуқур ўрганиб, амалиётда жорий этишимиз, ҳар ишда оммага суянишимиз лозим.

Искандар УСМОНОВ,
Агросаноат мажмуи
ходимлари касаба
уюшмаси Самарқанд
вилоят қўмитаси раиси.



БЕЛГРАД.
«Югославия тинчлик тарафдори ва барча муаммоларни музокара-
ралар орқали ҳал қилиш йўлини қўллаб-
қувватлайди. Лекин
чегдан ҳужум бошлан-
гудек бўлса, биз ўзи-
микани ҳимоя қиламиз».
Югославия олий мудо-
фиа кенгашининг йиғи-
лишида президент
Слободан Милошевич
шундай деди.
Маълумки, Косово
ўлкасидаги вазият то-
бора кескинлашаётган
ни сабаб, НАТО раҳба-
рияти Сербия ҳарбий
объектларига ракета
зарбасини беришни
режалаштирмоқда.
Лекин, ҳозирча бу ҳу-
сузда узил-кесил қарор
қабул қилингани
йўқ.

ТЕЛ - АВИВ. Шу
кунларда АКШ Давлат
қотиби Мадлен Олбрайт-
нинг Яқин Шарқ минта-
қасига ташрифи бошла-
нади. У икки кунлик таш-
рифи давомида Исроил
Бош вазир Бенямин Не-
таняху ҳамда Фаластин
мухторияти раҳбари
Есир Арафот билан ўра-
рашади. Музокарада
Б.Клинтон, Б.Нетаняху
ҳамда Е.Арафот ишти-
рокидаги саммитга тай-
гарлик масалалари му-
кама қилинади. Мазкур
саммитни 15 октябрда
ўтказиш режалаштири-
лган.

СИДНЕЙ. Янги
Зеландия ва Буюк Бри-
тания дипломатлари
Чеченистонда ўйраб
кетилган бир зеланд-
иялик ва уч нафар
британиялик фуқарони
топиш борасида ҳам-
корлик қилиш нияти-
да. Бу ҳақда Янги Зе-
ландия ташқи ишлар
вазирлигининг расмий
вакили, баёнот берди.
Унинг айтишича, энг
муҳими жинсий гуруҳ
билан алоқа ўрнатил-
ди.

МАЪЛУМОТЛАРГА ҚА-
РАГАНДА ўнгираб кел-
тилган турт нафар хо-
рижлик Чеченистонга
уяли телефон алоқаси
мақсадини йўлга қўйиш
мақсадида келган
эди. Аини пайтда улар
ҳақида ҳеч қандай
маълумот йўқ.

МЕХИКО. Келаси
йилдан бошлаб Панама
каналдаги «Ховард» ба-
засида жойлашган АКШ
ҳарбий-ҳаво қўшинларининг
бўлинмалари ва
уларга тааллуқли барча
турдаги техникалар бу
ҳудуддан чиқарилади. Бу
ҳақда Панама ташқи иш-
лар вазир Хорхе Эдуардо
Риттер баёнот берди.

Маълумки, Панама ҳу-
кумати АКШ ҳарбий бў-
линмаларининг олиб чи-
қилишини талаб қилган.
Оқ Уй маъмурияти «Хо-
вард» базасини ўзгар-
тирмаслик мақсадида,
бу ерда гийҳандликка
қарши кураш халқаро
марказини тузиш такли-
фини илгари сурган эди.
Режага биноан, америка-
лик ҳарбийлар мазкур
муассасанинг фаолиятини
ҳарбий ҳиҷдатдан қў-
ллаб-қувватлаб туриши
лозим эди. Лекин, халқ-
қаро марказини тузиш
борасидаги музокаралар
натижасида яқунланди ва
Панама ҳукумати «Хо-
вард» базаси ҳусусида
узил-кесил қарорга кел-
ди.

УЗА/



Нишон туманидаги Абдулла Қодирий номли жамоа шир-
кат ҳўжалигида механизацияга катта эътибор берилляпти.
Шу боис пахта йиғим-теримида жадал сурьатта эришил-
моқда.

Суратларда: илгор механизаторлардан (чапдан) Ҳасан
Утаев, Анвар Домиев ва ширкат бошлиғи Эшқора Ҳўжамбер-
диев. Чапда эса машина терими пайти.
Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

ЭКСПОРТ ИМКОНИАТИ

Собиқ иттифоқ даврида корхонамизда ишчи-хизматчилар бугунгидай баб-баравар жон куйдирмасди. Чунки, у пайтлар ишлаган ҳам, ишламаган ҳам бирдек тақдирланарди. Эндиликда аҳвол тубдан ўзгарди. Жамоа асосий эътиборни сифат ва миқдор ўзгаришларига қаратди. Натихада фақат ўтган йил 766 миллион сўмлик ўрнига қарийб 770 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ёки режа 105 фоизга бажарилди, ишчи-хизматчилар иш ҳақларини ойма-ой ола бошладилар. Йил якунига келиб эса ҳиссадорлар ҳар бир акция учун 201 сўмдан дивиденд олдилар.

Термез очик турдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ишчиларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, олти нафар фуқарога уй қалитларини топширди. Бундан ташқари, байрамларда катта тадбир ишлаб чиқилади. Имконият даражасида совға-саломлар улашилади. Кам даромадли ишчи-хизматчиларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиб келинади. Шубҳасизки, бу ишларга касаба уюшмаси кўмитаси бош-қош. Кўмита тақлифи билан 60 нафар киши Тошкент, Хоразм, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда саёҳатда бўлиб қайтишди. Даромадга яраша буромад деганларидек, 17 миллион 768 минг сўм фойда кўрилгани ўтган йили ана шундай тадбирларни амалга ошириш имконини берди.

Жорий йилнинг олти ойи давомида ҳам ҳиссадорлик жамияти томонидан 350 миллион 800 минг сўмлик ўрнига 351 миллион 971 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Халол меҳнат қилаётганлар эъзоз топмоқдалар. Шу йил давомида 16 нафар ходим республика, 20 нафардан зиёд киши вилоят миқёсидаги санаторий ва профилакторийларда дам олишди. Касаба уюшмаси тақлифи билан корхона ҳисобидан жамоа аъзоларига 150 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Ишчи-хизматчиларнинг болалари йил бўйи фаолият кўрсатадиган «Пахтаой» дам олиш масканида дам олдирилди.

Имконият изланганики, дейишди. Мен ўзимни раҳбар деб эмас, балки масъулияти энг кўп ташкилотчи ходим деб биламан. Ҳар қандай ютуққа, жамоа ютуғи, деб қарайман. Мана, биргина мисол: 1997 йилда ҳар бир ишчига ўртача иш ҳақи 8642 сўмдан тўғри келган бўлса, 1998 йилнинг олти ойи давомида бу кўрсаткич 12.736 сўмни ташкил этди.

Маҳсулотларимиз, Англия, Швейцария, АҚШ, Австралия каби хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

София ОТАҚУРБОНОВА,

Термез очик турдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси кўмитаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОН НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Азим Тошкентимизнинг Бобур номидаги истироҳат боғи ҳақиқий байрам тусини олган. Карнай-сурнайлар садоси олис-олисларга таралади. Бу ерда «Ўзбекистон ноз-неъматлари» савдосотиқ ярмаркаси зўр муваффақият билан ўтказилди. Республикаимизнинг турли вилоятларидан тақдим этилган ноз-неъматлар кўзни қувнатди. Ярмаркани кўтарин-

ки руҳда томоша қилиб, иқтисодий ислохотлар ўзининг қутилган самараларини бераётгани, қўшма корхоналар, қайта ишлаш цехларимизда тайёрланаётган сархил, хуштам маҳсулотлар жаҳон бозори сари дадил қадам ташланаётганлигига гувоҳлик беради.

Жорий йилда пойтахт шаҳар аҳолисини мева, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари билан тўла

таъминлаш юзасидан ибратли тадбирлар амалга оширилди. Мазкур савдосотиқ ярмаркаси хайрли ишларнинг якуни сифатида ташкил этилди. У вилоятлар «Мевасабзавот» худудий бирлашмалари ва республика деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорю ҳамжихатликда ўтказилганлиги ўзининг қутилган натижасини берди. Харидорлар дала неъматидан ташқари кон-

серва, турли хил вино, шарбатларни ҳам миннатдорчилик ила харид қилдилар.

Ўзбекистон жаннатмакон ўлка. Унинг заминиде битган ноз-неъматларнинг бахоси йўқ. Ярмарка павилонларини завқу шавқ билан томоша қилган пойтахт меҳмонлари ҳам ана шундай фикрга келишди. Яна бир муҳим томони, чет эл элчихоналари вакиллари, тегишли вазирлик ва ҳокимликларнинг масъул ходимлари ҳам иштирок этдилар. Бу мақсадларимиз экспорт ҳажмини кенгайтиришга катта ёрдам беради.

Ўзбекистон неъматларини жаҳон талаблари даражасида қайта ишлаш борасидаги ишларимизни тақомиллаштиришга ҳисса қўшади.

Ярмарка иштирокчилари сифатли маҳсулотлар харид қилиш билан бирга кўнгилли дам олиб, хордиқ чиқардилар. Кўпгина ви-

лоятлардан ташриф буюрган фольклор ансамбллари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари, рақслари билан кўрку таровот бахш этишди.

Бизни хурсанд қилган жиҳатлардан яна бири, - дейди меҳнат фаҳрийси Шобилот ота Анваров, - маҳсулотларнинг нархи анча арзон. Наманганнинг узум, олма, картошкасидан ташқари ажойиб винолари ҳам кўпчиликка ниҳоятда манзур бўлди. Ярмарка ташкилотчиларига раҳмат, барчалари ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришибди. Ҳа, биз жондан азиз Ватанимиз - ҳур Ўзбекистон билан ҳар қанча фахрлансак арзийди!

Суратларда: ярмаркадан лавҳалар.

Р. ГАЛИЕВ
олган суратлар.



«Ўзбекрезинатехника»

Муваффақияти

«Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси таракқиёт, илгор технология ва тадбиркорликнинг янги йўлларини кидириш туфайли ўзининг илгариги мустаҳкам ўрнини қайта тикламоқда. Ўтган йили бирлашма харидорларга бир миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берган бўлса, бу йил маҳсулот ҳажминини учдан бирига ошириш мўлжалланмоқда. Тушаётган талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олиб ишлаётган корхона транспортёрлар, линолеум, автошиналар учун ленталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, бир пайтлар тақчил бўлган шарқона кавишлар ишлаб чиқарилиши тобора кўпаймоқда. «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқро микёсда эътироф этилиши, яъни корхонага Мадриддаги Амалий ташаббуслар дирекцияси қарори билан Олтин юлдуз тақдим этилиши жамоа ҳаётидаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг қийин шароитларида муваффақият қозонган корхоналаргина шу муқофот билан тақдирланади.

Молиявий янгиликлар агентлиги билан Макроиқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институти Ўзбекистонда биринчи бор республика санаят корхоналари ҳолатини баҳолаш бўйича рейтинг ишланмаларини ўтказди. «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси 200 та йирик санаят корхонаси ўртасида асосий талабга жавоб берадиган корхоналарнинг етакчиларидан бири, деб топилди.

Н.ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири,
Ангрн шаҳри

Темирйўлчиларнинг бир куни

БУ ЙЎЛЛАР, ҚАДИМ ЙЎЛЛАР...

Мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишида, одамларнинг узогини яқин, огирини енгил қилишда темир йўл транспорти ходимларининг хизмати бекиёсди.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компаниясининг Қарши бўлими асосан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари худудидаги юк тушириш ва орттиш бекатларининг 19 тасини ўз ичига олади.

Ушбу бекатлардан бир кеча-кундузда ўртача 17 мингдан зиёд юк ортилиб, тегишли манзилга жўнатилади. 230 та вагондаги юк эса қабул қилиб олинди, - дейди бўлим бошлиғи Абдулла Тўйчиев. - Жамоамизда 6 минг нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилапти. 1997 йили 13 миллион нафар йўловчига хизмат қилинган бўлса, шу йилнинг ўтган даврида 14 миллиондан ортик киши темир йўл транспорти хизматидан фойдаланди.

Тажирибали мутахассис А.Тўйчиев табиатан тиниб-тинчимас, тадбиркор одам. У ҳар бир ишнинг қобилияти, оилавий шароитини яқини билади. Шунинг учун ҳам ҳамиша ишчилар меҳнати адолатли баҳоланади. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш биринчи галдаги вазифалардан саналади.

Истиқлол йилларида темирйўлчилар ўз шифоналарига эга бўлишди. Тўрт қаватли, замонавий бино зарур тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан таъминланди. Бир йўла 150 нафар беморга хизмат кўрсатишга мўлжалланган шифонада нафақат темир йўл ходимлари, балки воҳа меҳнаткашларидан қанча-қанчаси даволаниб, соғлиқларини тиклашди.

Тошкент транспорт олий билимгоҳида тахсил олаётган бўлажак темирйўлчилардан 50 нафари компаниянинг Қарши бўлими йўлланмаси билан келиш-

ган. Талабалар оталиқ ташкилоти томонидан мунтазам стипендия билан таъминлаб келинади.

- Бешта мактаб, ўнга болалар боғчасини оталиққа олганмиз, - дейди А.Тўйчиев, - уларни таъмирлаш, жиҳозлаш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси зиммасида. Оила йилида дам олиш маскани ҳамда спорт-соғломлаштириш мажмуи қайта сифатли таъмирланди. Ички имкониятни ҳисобга олиб темир йўл соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилиб, кексалик нафақасига қўнган пенсионерларга имтиёзлар яратдик. Улар газ, электр, транспорт хизматидан текин фойдаланишади. Илгорлар ўз вақтида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаёпти.

Қашқадарё темир йўлларни таъмирлаш корхонаси оператори Абдуозит Хўжаев, йўл устаси Тайлоқ Шерматов, курилиш устаси Ёқуб Бойхонов, вагонлар назоратчиси Алиқул Тоғаев, автокран хайдовчиси Мустафо Рахимов, таъминотчи Раиса Эшонқуловалар кўп йиллардан буён халол меҳнат қилиб, жамоада обрў-эътибор топишган.

Бўлим бошлиғининг гапига қараганда жамоада илгорлар кўп. Ҳар бир ишчи-хизматчи ўзига биркитилган топшириқни вақтида, кўнгилдагидек бажаришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам ойлик ва квартал режалар ортиғи билан бажарилаёпти.

Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллик байрами кунлариде темирйўлчилар қувончига қўнган қўшилди. Республикаимиз Президентининг фармонию биноан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компаниясининг Қарши бўлими бошлиғи Абдулла Тўйчиев «Шухрат» медали билан мукофотланди.

И. АБДУЛЛАЕВ.

Газлаштириш ҳақида гап кетса собиқ иттифоқ даврида бир идора раҳбари билан қилган суҳбатимиз эсимга тушади:

- Битта районда беш йил ичида беш километрли масофада газ қувурлари тортиш режалаштирилган, - деган эди у, - бу режалардан бир қадам ҳам нари-барига ўтиш мумкин эмас.

Ҳа, ўша пайтда кўп нарсаларни Москва руҳсатисиз амалга ошириб бўлмасди. Бу таъминотчи. Лекин мустақилликка эришганимизга етти йилдан кўпроқ вақт бўлган ҳозирги пайтда юқоридагидек гапни гаптириш фақат қулги уйғотиши мумкин. Нега деган савол ҳам бермайси. Чунки беш йил мудат ичида юзлаб қишлоқлар занго-

Президент Фармонлари нега бажарилмаяпти?

СУДРАЛИШ

ри оловдан баҳраманд бўлаётганига ўзингиз шохид.

Гарчанд аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида Президент Фармони эълон қилинган бўлса-да, айрим раҳбарлар совуққонлиги туфайли уни бажариш пайсалга солинаётгани кишини таажублантиради. Масалан, Форш туманидаги «Кўктепа» жамоа хўжалиги маркадан юз километр узоқда жойлашган. Бу ерда табиий газ келтириш чўзилаётгани, устига-устак галлакор ва чорвадорларни суюлтирилган баллонли газ билан таъминлаш ҳам тўхта-

жатлари тайёрланиб, туман ва вилоят газлаштириш идораларига етказиб берилган эди. Лойиҳага кўра, газ қўшни Арнасой туманининг «Туркистон» жамоа хўжалиги худудидан ўтувчи бош қувурдан олинши, буни учун атиги 9 километр узатиш қувурлари ётқизиши керак эди, холос.

«Кўктепа» жамоа хўжалиги туман маркадан юз километр узоқда жойлашган. Бу ерда табиий газ келтириш чўзилаётгани, устига-устак галлакор ва чорвадорларни суюлтирилган баллонли газ билан таъминлаш ҳам тўхта-

тиб қўйилганига тушуниш қийин. Хўжалик марказидаги сув иншоотию оби-ҳаёт қўйилмаётганига ҳам анча бўлди. Ҳозирги пайтда хўжалик чўлқуварлари ичимлик сувини ҳам қўшни хўжаликлардан ёки лотоклардан ташиб келтирмоқдалар.

Хўжалик меҳнаткашлари бу йил давлатга гапла сотиш шартнома режасини 150 фоиз ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришни 110 фоизга бажардилар.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, жамоа аъзолари берган ваъдаларининг устидан чиқ-

моқдалар. Бироқ газлаштириш идоралари раҳбарлари масъулиятсизлиги сабабли меҳнаткашларни зангори олов билан таъминлаш асосиз равишда йилдан йилга орқага сурилмоқда. Табиий газ муаммо бўлиб турган бундай қўрғон ва қишлоқлар ҳали анчагина. Жумладан, «Учқулоч» кончиларининг Банд, тоғли Сайёд, Илончи, Эгизбулоқ, Жайраҳона ва бошқа қишлоқлар аҳолиси ҳам туман газчиларининг дуои-жонларини қилиб ўтиришибди. Илоё уларнинг дуолари вилоят газлаштириш идораси раҳбарлари қулоғига етиб борсин-да. Акс ҳолда қўрғон яна бир неча йил газлаштирилмасдан қолиб кетиши ҳеч гап эмас!..

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,
Жиззах вилояти.

«ҲОТАМТОЙ» БОШ ҲИСОБЧИ

Республикаимиз Президентининг «Халқ хўжалигига ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони халқимиз томонидан зўр миннатдорчилик ила қарши олинди. Бу муҳим ҳужжат бозор иқтисоди шароитинда меҳнат жамоасининг иқтисодини юксалтиришга, буюртма берилган маҳсулот учун харид нархининг 15 фоизини олинган туланиши барча узилишларга чек қўяди. Корхона ва ташкилот манфаатини

ҳимояловчи фармон жойларда қандай бажарилаётир? Етакчиларининг ўз жамоаси истиқбол учун етарлича қайғуришяптими? Текширишлар шунини кўрсатади, жойларда ҳали ҳам ўзибуларчилик кайфиятига берилган раҳбарлар йўқ эмас. Жумладан, Фармондан чекинши ҳолати «Сирдарёбалиқ» ҳиссадорлик жамиятига қимматга тушди. Биргина шахсининг қўл силташи туфайли корхона катта миқдорда зарар кўрди. Яхшиси бундай батафсилроқ тўхталайлик.

Балиқчилик хўжалиги бош ҳисобчиси А.Қаршиевнинг ўз ишига со-

вубқонлиги боис балиқчилар бир неча ойлаб ойлик маошларини ололмастан қолишди. Чунки ўтган йили ўн беш фоизлик тўлов расмийлаштирилмасдан хўжаликларга 100600 сўмлик, балиқчилик хўжаликларига 135345, соғлиқни сақлаш муассасаларига 192390, давлат ташкилотларига 5050895, фирмаларга 2320198, фуқароларга 2815052 сўмлик балиқ маҳсулотлари насияга бериб ўзборилган. «Оларда кирар жоним - берарда чиқар жоним» деганларидек, балиқ еганлар пулин тулашни хаёлларига ҳам келтирмай қўйишди. Бош ҳисобчи эса ўз

Халқимизда «Биринки мингга - мингшики туманга» деган нақл бор. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Биргина бош ҳисобчининг етти улчаб бир кесмаганлигидан юзлаб одамлар азият чекди. Ишдаги ўзбошимчилик, бошқалар билан маслаҳатлашмаслик Фармондан чекиншига олиб келди. Хуллас, ҳар ким экканини ўради, деганларидек А.Қаршиевга берилган қонуний жазо бошқаларга сабоқ бўлиши керак, деб ўйлаймиз.

Муҳиддин ЯХШИБОВЕВ,
Сирдарё вилоят Мирзаобод туман суди раиси.

Яқинда Хоразм шакарини еймиз

Хоразм шакар заводига ҳаммаси кела бошлади.

- Корхонада ҳар куни узлуксиз технологик усулда уч ярим минг тоннага яқин маҳсулот қайта ишланади, - дейди завод

директори Қувондиқ Қаримов.

- Ишлаб чиқариш конвейерини ишга туширишга санқли кунлар қолди.

Т. ШАМАКОВ,
ЎЗА мухбири.

1997 йили ногиронлар меҳнат қобилиятини аниқлаш ва қайта тиклаш илмий тадқиқот институти ҳамда унинг шифохонаси негизда Ўзбекистонда ягона илмий-амалий муассаса ҳисобланган Миллий Реабилитация Маркази ташкил этилган. Уша йили Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида реабилитация марказининг очилиши ногиронларга кўрсатилаётган гамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси эканлиги мамнуният билан қайд этиб ўтилган.

Орадан бир йил ўтди. Марказда фаолият қандай кечди ва кечмоқда. Миллий реабилитация маркази директорининг ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Абдусамат Абдусаломов билан журналист Файзулла ИСАЕВНИНГ суҳбати шу ҳақда.

Ногирон кўнглини олиш, уни меҳнат кучоғига қайтаришдан ҳам савоблироқ иш бўлмас керак. Афсус, турғунлик йилларида турли захарли химикатлардан ногирон бўлиб қолганлар, айниқса ҳозирги кунда ижтимоий муҳофазатга муҳтождирлар. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни реабилитация қилишнинг 1996-2000 йилларга мўлжалланган давлат дастури» ҳақидаги қарори бизнинг иш фаолиятимизнинг асосий мезони ҳисобланади. Ана шу муҳим ҳужжатни чуқур ўрганган ходимларимиз кишлоқлардаги ногиронлик сабабларини пухта таҳлил қилиб, бундай даргда йўлқандарни қайта соғломлаштириб, жўшқин меҳнатга қайтариш учун буюр маҳоратларини ишга соломқдалар.

Ходимларимизнинг соғлиқни сақлаш, касалликларнинг олдини олиш йўналишидаги меҳр-муруватли ишларида турли микёсларда ўтказилаётган анжуманлар яхши самаралар бераётди. Жумладан, Ижтимоий таъминот вазирлиги, республика хотин-қизлар кўмитаси, Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси ҳамда Тиббий назорат комиссиялари ҳамкорлигида «Ўзбекистонда аёллар

БИР КўНГЛИ ИМОРАТИ — МИНГ МАККА ЗИЁРАТИ

ногиронлиги муаммолари ва уларнинг тиббий ижтимоий реабилитацияси» мавзусида пойтахтимизда ўтказилган илмий-амалий конференцияда билдирилган қимматли тақлиф ва мулоҳазалар фаолиятимиз учун йўналиш бўлди, десам янглишмаган бўламан.

Ўтган вақт мобайнида миллий реабилитация марказимизнинг худудий марказларини ташкил этиш борасида қатор ишларни амалга оширишга эришдик. Чунки, ижтимоий таъминот вазирлиги тасарруфидоги таянч ҳаракат аъзолари касалликларига ногиронларни реабилитация қилиш маркази, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистондаги реабилитация марказларининг Низоомлари тузилди. Қарши, Жиззах ҳамда Наманганда ана шундай марказлар иш бошлади. Шуларни ҳисобга олиб, марказимизга жойлардаги реабилитация

марказлари ишларини илмий-амалий мувофиқлаштирувчи ташкилот мақоми берилди.

Пойтахт шаҳар аҳолисини реабилитациядан ўтказишдек кенг қамровли масала ҳам ижобий ҳал бўлди. Бу ўз навбатида очилмакчи реабилитация марказига малакали кадрлар этиштиришга асос бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, марказимиз қошида «Ижодкор» корхонаси ногиронлар учун мосламалар ҳамда ҳаракат воситалари нусхаларини ишлаб чиқмоқда. Биз бу кичик корхона билан мосламалар тайёрлаш ва ишлаб

ўтказди. Мослама, таянч ҳаракат воситалари вазирилик буюртмаси бўйича савоат ва муруват уйлари реабилитация марказларига етказиб берилди. Бу катта ҳажмдаги ишлар шифокорларимизга катта масъулият юклаши талабидир. Шуларни назарда тутиб ўтган илми сентябр ойда марказимизда махсус курс ташкил этдик.

Ҳозирги кунда марказимизда юрак қон-томир касалликлари ва ТМЭ (тиббий меҳнат экспертизаси), жарроҳлик ва жароҳатлар асоратида ногиронлар реабилитацияси ҳамда ногиронлик эпидемиологияси

ни ўрганиш, башорат қилиш, ногиронлар меҳнатини такомиллаштириш, улар учун мослама ва ҳаракат воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда ногиронларни ижтимоий-руҳий реабилитация қилиш бўлимлари мавжуд. Бу бўлимларда ўз касбининг фидойилари бўлган тиббиёт фанлари докторлари ва номзодлари қатори ёш шифокорлар ҳам ишляяпти.

Тиббиёт фанлари доктори Темури Жалолов юрак қон-томир касалликларига ногиронларни реабилитация қилиш бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда. У қабулда бўлган ҳар бир бемор билан самимий суҳбатлашиб, касаллик сабабларини, оилавий аҳолининг синчиклаб ўрганиб, шунга кўра қайта соғломлаштириш усулларини даволовчи шифокорга тавсия этади.

Марказимизда нафақат илмий тажрибаси, балки

ширин сўзи билан ногиронлар калбига йўл топаётган шифокорлардан бири Гулчехра Иноқовдир. Ўзи ва кўл остидагиларга талабчан бу шифокор ички касалликлар бўлимига раҳбарлик қилади. У ишга вақтли келиб, кеч кетиши одатланган. Чунки беморларнинг кўпиб қилишларини ёқтирмайди. Бу ердан даволашни кетганлар меҳрибон шифокорларга хат ёзишиб, тую-танталарга тақлиф этиб туришади. Ногиронларни меҳр чашмасидан баҳраманд этаётган шифокор учун бундан ортиқ бахт бўлмас керак.

Шунингдек, ташхис бўлими муdiri Шоҳида Ерметова, катта ҳамшира Гулнора Мухамедова сингарилар ҳақида ҳам илқ гаплар айтиш мумкин. Уларнинг эзгу ниятлари битта. У ҳам бўлса бу ерда саломатликларини тиклаётганлар юзиде табассум кўришди. Зеро, «бир кўнгли иморати (айниқса ногирон кўнгли) минг Макка зиёрати» деган пурҳикмат ибора бежиз айтилмаган. Ишимизни

ҳозирги кун талаблари асосида юритиш учун изламоқдамиз. Ҳамдустлик мамлакатларида бўлиб, тажриба алмашишни йўлга қўйдик. Жумладан, ўлган йили икки нафар ходимимиз Россия ва Белорус мамлакатларида сафарда бўлишди. Улар мазкур давлатларда ногиронлар саломатлигини қайта тиклаш борасидаги ўрганас арзиғулик тажрибалардан баҳраманд бўлидилар. Москвада бўлиб ўтган йилки илмий-амалий кенгашда қатнашган марказимиз бош директори Жамолиддин Нажмиддинов ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Бу йил Голландия ҳам ана шундай йилки анжуманлардан бири бўлиб ўтди.

Олдимизга кўйилган мақсад ва вазифаларимиз аниқ. У ҳам бўлса ривожланган хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибалари асосида иш юритишдир.



Сождихон Турғунованинг касби ип-йигирувчи. Бир неча йилдан буён Учкўприкдаги «Хумо-3» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб келмоқда. У нафақат тошприкларни ошириб бажаради, балки ишнинг сифатли бўлишига катта эътибор беради. Суратда: ўз касбининг устаси Сождихон Турғунова.

Маданият масканларида

ТОШКЕНТДА ГЁТЕ ИНСТИТУТИ

Юрган дарё, ўтирган бўйра, дейди халқимиз. Албатта, жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари қанчалик кўп биз билан алоқалар ўрнатса икки орадаги ўзаро ҳамкорлик шунча самарали кечади. Тошкентда очилган Гёте институти Германия Федератив республикасининг маданият-ахборот маркази ҳисобланади. Бугунги кунда дунёнинг 78 мамлакатиде фаолият юритаётган қарий 150 та шундай институтлар авваломбор «мусофир юрт»да немис тилини ўргатиш, немис тарихи, маданияти ва бугунги ҳаёти ҳақида ахборот бериш, қолаверса, маҳаллий халқлар маданиятини ўрганиб, ташкилот-муассасалар билан дўстона алоқалар ўрнатиб борасида иш олиб бораётди.

Барчага маълумки, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб бораётган. Лекин федератив республикамиз молия вазирилик билан қаттиқ қарорга келдики, қанчалик қийин бўлмасин эндиликда бундай институтларни ёпиш эмас, балки яна кўпроқ ташкил этиш керак.

Дарҳақиқат, истовчиларга тил ўргатиш, немис тилини ўқитувчилари ва муҳассисларини малакасини ошириш, мультимедиялар тайёрлаш ишларига қолган Гёте институти ақин келажакда Самарқанд шаҳрида ҳам очилиши режалаштирилган. Маданий қадриятлар, алахуус немис тилини ўргатиш билан шуғуллангани дўсти бисёр институтини юртимизга ҳам қадам қўйганини кутлаймиз.

Шу куннинг долзарб муаммоси

II. ЭКОЛОГИК ХАВФ НИМАДАН?

Ўзбекистонда деҳқончилик сунъий сугоришга асосланган бўлиб, қишлоқ ҳўжалик ерлари 23 млн. гектарни ташкил этади. Ҳозирги вақтда сув ресурслари чекланганлиги сабабли республика сугорилмаган ер фонди 4,2-4,5 млн. гектар даражасидадир. Бундан буён ҳосилдорликнинг ошиши сугоришда тежамкор техника ва технологияни жорий қилишга ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга боғлиқ. Бундай шароитда ер-сув ресурсларида мақсадга мувофиқ, экологик асосланган ҳолда фойдаланиш энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Кейинги йилларда олиб борилган чора-тадбирлар туфайли пестицидларни қўллаш камайиб бормоқда. 1997 йилга келиб 1990 йилга нисбатан қишлоқ ҳўжалигида пестицидларни қўллаш 4 баробар озайди. Аммо бу ҳамма вилоятларда бир хил эмас. Масалан Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Фарғона вилоятларида пестицидларни қўллаш 10-15 баробар камайган бўлса, Наманган, Тошкент, Сурхондарё вилоятларида фақат 1,5-3 баробарни ташкил этади.

Фарғона шаҳар яқинидаги тупроқ таркиби ўрганилганда, унда нефт маҳсулотлари метёрдан анча юқорилиги маълум бўлди. Бунга Фарғона завти қайта ишлаш заводи жиддий таъсир кўрсатган. Тошкент, Навоий, Самарқанд яқинидаги тупроқ таркибиде қўроғини, мис, руҳ концентрацияси кўп.

Қишлоқ ҳўжалик ерлари структурасида яилв 80 фоиздан зиёд. Бу чорвачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Аммо кейинги йилларда яилвларга аҳамият сусайиб, унинг ҳосилдорлиги кескин пасайди. Баъзи майдонлар бутунлай ишдан чиқди. Демак, муаммага жиддий эътибор қаратиш керак.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, одатда, катта миқдордаги чикиндиларнинг тўпланиб қолишига олиб келади. Булар қаттиқ чикиндилар, оқова сувлар ва ёнган газ қолдиқларидан иборат. Бу чикиндиларнинг бир қисми экологик жиҳатдан хавфли, чунки улар таркибиде захарли моддалар мавжуд. Технологик жараёнда зарарли чикиндиларнинг вужудга келишига технология такомиллашмаганлиги, хом ашё тайёрлаш сифати ва технологик қондаларига рию этилмаслиги кабилар сабаб бўлади. Тоғ-кон саноати, қайта ишлаш саноати чикиндилари бутун мамлакатда ҳосил буладиган чикиндиларнинг 90-95 фоизини ташкил этади. Бу айниқса рангли металлургияга тегишли. Ҳозир ер ости ва ер усти чикиндилар 2 млрд. тоннадан ортиқ ташланади тўпланиб қолган. Улар минглаб гектар ерларни даштларга айлантиради ва зарарли бирикмалар билан атропо муҳитга хавф солиб туради.

Кимё саноатида асосан фосфорит (70-72 млн. т), лигнин (15 млн. т), марганец қолдиғи, шунингдек, суюқ чикиндилар (10 млн. м³) тўланади. Саноат чикиндиларига қўшимча 30 млн. м³ миқдорда маиший чикиндилар йиғилади, улар асосан шаҳар ва қишлоқ ахлатхоналарида тўланади. Ахлатхоналар табиий равишда ташкил топади. Республикаимизда 230 та шундай объект мавжуд. 1995 йилда Табиати муҳофазат қилиш давлат кўмитаси томонидан Тошкент шаҳрининг қаттиқ маиший чикиндиларини қайта ишлаш концепцияси яратилди. Бу лойиҳага кўра ахлатлардан турли икклимлик материаллар ишлаб чиқиш назарда тутилган.


Саноат ишлаб чиқариши ривожланишининг белгилари асосий тармоқларидан бири тоғ-кончилик қилмаслиги ҳисобланади. Ўзбекистон худудида фойдаланиш қилинмаган табиий қазилмаларга бой. Мамлакатда 900 та кон ўрганилган, шундан 100 хили мис, уран ва ашё бўлиб, уларнинг 60 дан ортиғи саноатда фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун бойликларни қазиб олиш ва уни қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатда хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш географияси муайян сабабларга кўра текис жойлашмаган. Натижада кўп миқдордаги қазилмаларни бир жойдан иккинчи жойга транспортга ортиб жўнатиш зарур. Булар — нефть, кўмир, фосфорит аралашмаси, кварцли кўм, бентонит, лойи, гипс, бўр, қурилиш материаллари, ўтга чидамли хом ашё, қалиб ўғити ва ҳоказо. Республикадаги кўпгина корхоналар маълум сабабларга кўра бундай хом ашёларни чет эллардан келтиради. Ваҳоланки, бу хом ашёлар ўзимизда

қазиб олиш мумкин. Ҳозирги экологик муаммолар кўпайган шароитда экологик мувозанатни сақлаб туришда алоҳида муҳофазат қилинадиган табиий худудлар роли ортиб бормоқда. «Алоҳида муҳофазат этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги қонун экологик нуктаи назардан табиий комплексларни муҳофазат қилишининг ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берди. Ҳозирги вақтда республикада 9 та қуриқхона, 2 табиий миллий бог, бирта «Жайрон» экологик маркази, 2 та табиат ёдгорлиги мавжуд. Муҳофазат этилаётган худудларнинг умумий майдони 2 млн. гектарни ташкил этади. Бу ерда 350 турдаги ҳайвон, 700 турдаги ўсимлик муҳофазатга олинган.

Экологик ҳолатни яхшилашнинг муҳим омилларидан бири табиатдан фойдаланишда иқтисодий таянч ва рағбатлантиришни вуҳудга келтириш зарур. Кейинги 4 йил ичиде табиат муҳофазатси тадбирлари учун 364,5 млн. сўм сарфланди, шундан ҳаво атомосферасини муҳофазат қилишга 55,2 млн. сўм, сув ресурсларига 166,2 млн. сўм, ер ресурслари учун

МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР



Богот туманидаги «Богот» ширкат ҳўжалиги раҳбари Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қурдовнинг кайфияти аъло. Бонси дала-ларда мўл ҳосил этилди. Пахтадан 40 центнерлик, шолдан эса 60 центнерлик марра кўзланмоқда. Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Дўстлик тумани янгиликлари

ВЕЛОСИПЕД - ЭНГ ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТ

Деган хулосага келинди ва туман ҳокимлиги ижроия маҳкамаси масўл ходимлари учун 20 та велосипедга буюртма берилди.

Транспорт воситалари етишмаётган, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари тақиллиги сезилиб қолаётган ҳозирғидеи шароитда велосипедга юриш ҳам соғлиқ учун фойдали, ҳам атропо-муҳитнинг тозаллигини таъминлайди, дейишмоқда ҳокимлик ходимлари.

«БИБИХОНИМ МУКОФОТИ» ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга мўносиб ҳисса қўшаётган, оила ва жамоат ишларида кўпчиликлка намуна бўлаётган фаол хотин-қизлар ўртасида махсус «Бибихоним мукофоти» таъсис этилди. Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридеги бу мукофот ҳар чоракда 4 нафар энг фаол аёлга бериб борилапти. Мукофот билан биргаликлда уларга совриндор бўлганликларини тасдиқловчи шаходатнома ҳам берилапти.

ГЕРМАНИЯ ФИРМАСИ ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

«Дўстликдон» ҳиссадорлар жамияти бошқаруви билан Германиянинг «Тиссен Ханделс Берлин ГМБХ» фирмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан шартнома имзоланди.

Ушбу шартнома асосида Ҳиссадорлар жамияти қошида бир соатда 200 килограмм мақорон ҳамда печене ишлаб чиқариш қувватига эга қўшма корхона барпо қилишга киришилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ.

«ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БИРЖАСИДА

Ўтган ҳафта биржа бўйича оддий акциялар савдосида 48 та ҳиссадор жамиятлар қатнашди. Улар ўзларининг 133,2 мингта қимматбаҳа қоғозларини сотишиб - 90,2 миллион сўмлик маблағ эғаси бўлиб, шу жараёнда энг юқори самарадорлик Тошкент шаҳар «2-Автокомбинат» ҳиссадор жамияти эришти. Улар ҳам 36,4 миллион сўмлик оддий акцияларининг сотишига эришдилар. Савдо бўлимларини тузишда биринчи ўринни Тошкент шаҳри (45 фойз), иккинчи ўринни Тошкент вилояти (34 фойз), учинчи ўринни Қорақалпоқ Республикаси -

(8,3 фойз) ҳиссадорлик жамиятлари эгаллади. Яна шунини таъкидлаш лозимки, 64 та брокерлик идоралари ҳам яхши фаолият кўрсатдилар. Энг қувонарли жойи шундаки, метинг бўйича биринчилардан бўлиб АО «Бухоротекс» Акционерлик жамияти ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Улар шу савдода қатнашиб 28 минг сўмга 20 та акцияларини сотдилар. Йил бошидан эса 5182 та одди-сотди битимлари тузилди. Натижада 1937,9 миллион сўм ва 308,4 минг АҚШ долларига эга бўлилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 6 октябрдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *

1 Австралия доллари	63,11	100 Италия лираси	6,55	1 Финляндия маркази	21,28
1 Австрия шиллинги	9,20	1 Канада доллари	68,50	1 Франция франки	19,30
1 Англия фунт стерлинги	179,69	10 Хитой юани	12,78	1 Швейцария франки	13,32
10 Бельгия франки	31,39	1 Кувейт динари	350,56	1 Швейцария франки	78,46
1 Голландия гульдени	57,40	100 Ливан фунти	7,04	1 ЭКЮ	127,26
10 Греция драхмаси	3,73	1 Дания кронаси	27,84	10 Жанубий Корея вони	0,76
1 Дания кронаси	17,04	1 Германия маркази	64,71	10 Япония иенаси	7,84
1 БАА дирхами	28,81	1 Норвегия кронаси	14,20	1 Россия рубли	6,62
1 АКШ доллари	105,80	1 Польша злотийси	29,72	1 Украина гривнаси	31,05
1 Миср фунти	31,07	10 Португалия эскудоси	6,33	1000 Беларусь рубли	1,98
1 Ирландия фунти	161,40	1 Сингапур доллари	62,80	1 Латвия лати	181,74
1 Исландия кронаси	1,55	1 СДР	146,63	1 Литва лити	26,45
10 Испания песети	7,62	1000 Туркия лираси	0,38	1 Молдова лейи	21,20
				1 Киргизистон соми	4,72

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг профессори, филология фанлари доктори Малик Муродов ҳикоя қилади:

сам, фольклор туйфайли эришим. Урта Осиё Давлат Дорилфундини имтиёзли диплом билан тугатган Чортоққа, қишлоғимга бориб мактабда ўқитувчи, директор, туримиз, руҳий кечинмаларимиз, тарихимиз, маънавий-маърифий соҳани юксалтиришимиз борасида бекиёс аҳамията эга. Фольклоршуно олимлар

Дехнобод, Сурхондарё вилоятининг Музработ, Қизилқум, Бойсун, Жарқўрғон ва Шеробод туманларида бўлиб, «Алпомиш» дostonининг янги, оригинал вариантлар

воят, жуғрофий атамалар, жойларни аниқлади. Экспедиция жараёнида Зарутош 2-Халқаро педагогика конгрессида катнашиб маъруза қилдик. «Алпомиш» изидан Халқаро экспедициясини туризмининг халқаро олтин халқасидан жой олиши ташаббуси билан чиқилди. Экспедициянинг уч йўналишидаги биринчи босқичи амалга оширилди. Дарвоқе, хотинчи бахшилар ҳам кашф этилди. Жарқўрғонлик Зулхумор бахши Шерназар кизидан, музработлик Гулнора бахши Чори кизидан «Алпомиш» дostonларининг янги вариантларини ёзиб олдик. Абдуолим Эргашев билан ҳамкорликда «Алпомиш» изларини излаб» номли тўптам тайёрладик. Бу китоб «Насас» нашриётида чоп этилмоқда.

Истиклол шарофати туйфайли Ўзбекистонимизни жаҳон тан олди. Жумладан, адабиётимиз учун ҳам дунё эшикларини очилди. Россия, Америка, Молдавия, Македония, Тоғли Олтой, Бессарабия, Туркия, Венгрия, Марказий Осиё давлатларида ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳақидаги китоблар чоп этилди. Туркиялик ҳамкасбларимиз менни бир нечта нуфузли журналлар тахририяти аъзолигига киритишганидан мамнунман. Яқинда, яна Туркияга бормоқчиман. Чунки, халқ айтганимдек, 5 томлик «Алпомиш» дostonини тезда чоп этиш имкониятларини излаб кўрамиз.

Туркия маданият вазирилик қoшида «Малик Мурод ўғли номидаги Ота Юрт китоблари» кутубхонаси ташкил этилган. Маъруза кутубхонага яна янги дostonлар, эртаклар ва маталар тўпламларини етказиб бераман.

Абдулла АЙИЗОВ ёзиб олди.

Экспедиция сафардан қайтди

ДОСТОНЛАРИМИЗ ЖАҲОН КЕЗМОҚДА

дулло ўғли, онам, раҳматли Бибисора Худойберган кизи жуда кўп эртак, афсона, ривоят, макол ва топишмоқларни билишарди. Кейин онамдан ёзиб олинган халқ оғзаки ижоди намуналарини, акам Ваҳобжон ҳамда онам Тўхтархонлар айтган ўзбек ва қирғиз дoston, эртакларини жамлаб, «Ўзбек халқ фантастикаси» 10 томлигига киритдим.

Тўғри, ҳозиргача қандай муваффақиятга эришган бўл-

ман халқ таълими бўлимида бош назоратчи бўлиб ишладим. Устозим, таниқли шоир, драматург ва олим Мақсуд Шайхзоданинг маслаҳати ва таклифига биноан яна пойтахтга қайтиб, ҳозиргача халқ оғзаки ижоди билан шуғулланиб келяпман.

Халқимизнинг буюк эпоси «Алпомиш»нинг юбилейини нишонлаш ҳақидаги махсус қарор қадрларимиз, урф-одатларимиз, расм-рўсулма-

томонидан «Алпомиш» изидан» халқаро илмий экспедиция уюштирилди. Экспедициянинг бошқалардан фарқи шундаки, унинг йўналишида халқ оғзаки ижоди асосида ва харажатлари қатнашувчиларнинг шахсий ҳисобидан. Яъни, фидойий фольклоршунослар эзгу ишга қўл урдилар. Шу муносабат билан яқинда «Алпомиш» изидан» Халқаро илмий экспедиция аъзолари Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри, Ғузур,

рени ёзиб олишди. Қарши давлат дорилфунуни декани, фольклоршуно олим Абдуолим Эргашев ҳамроҳлигида бахшилар ҳузурига бўлди. Чунончи, Қашқор бахши Қодир ўғлидан «Бева Барчин ёки Барчинбека» дostonини, Қора бахши Умир ўғлидан 20 минг мисрадан ўртак «Алпомиш», Чори бахши Умир ўғлидан «Едгорнинг уйланиши», «Шомурод» дostonларини ёзиб олди. Алпомиш ҳақидаги юздан ортқ афсона, ривоят, жуғрофий атамалар, жойларни аниқлади. Экспедиция жараёнида Зарутош 2-Халқаро педагогика конгрессида катнашиб маъруза қилдик. «Алпомиш» изидан Халқаро экспедициясини туризмининг халқаро олтин халқасидан жой олиши ташаббуси билан чиқилди. Экспедициянинг уч йўналишидаги биринчи босқичи амалга оширилди. Дарвоқе, хотинчи бахшилар ҳам кашф этилди. Жарқўрғонлик Зулхумор бахши Шерназар кизидан, музработлик Гулнора бахши Чори кизидан «Алпомиш» дostonларининг янги вариантларини ёзиб олдик. Абдуолим Эргашев билан ҳамкорликда «Алпомиш» изларини излаб» номли тўптам тайёрладик. Бу китоб «Насас» нашриётида чоп этилмоқда.

Яна бир ташаббус ҳақида Туркиянинг Анқара нашриётларида шоир ва журналист Носир Муҳаммад билан ҳамкорликда беш томлик «Алпомиш» дostonини турк ва ўзбек тилларида чоп этишга таяёрландим. Унга Фозил Йўлдаш ўғли варианти асос қилиб олинди.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

ҚҮЙ. (21.03-20.04) Бу ҳафтада қутилмаганда яхши маблаг келтирувчи иш сизга ҳамроҳ бўлади. Олдингизда турган муаммо ва вазифаларни тартиб батартиб ҳал қилишга ҳаракат қилинг. Ижодий фаолиятингиз кўтаринки руҳда бўлади. Ҳафта охирида рўй берувчи ишқий кечинмалар ҳаётингизни янада рағбаранг ва жозибали қилади.

БҮЗОҚ. (21.04-21.05) Иш фаолиятингизга бўлган диққат эътиборни бироз кучайтириг. Ҳарақатингиздаги баракат бюджетингизда намоён бўлади. Сешанба, жума ва шанба кунлари юзгага келувчи айрим ҳолатларга тўғри ёндошинг ва бахона бўлинг.

ЭГИЗАҚЛАР. (22.05-21.06) Ҳамкорлик ва ташқи алоқалар сезиларли натижалар беради. Иш жойингизда қутилмаганда ижодий ўзгаришлар рўй бериши қутилиши. Дам олиш кунларидан унумли фойдаланинг ва факат текшириб қўрилган маълумотларга ишонинг ҳолос.

К И С К И Ч Б А Қ А. (22.06-23.07) Бу ҳафтада сиз кўпгина ишларни амалга оширишга улғурасиз. Савдо борасида унумли ҳаридлар қиласиз. Мухаббат дарди бироз қийнаб қўйиш эҳтимоли бор. Дам олиш кунларини дуслар даврасида ўтказинг.

ШЕР. (24.07-23.08) Қариндош ва дўстларингиз томонидан қўллар қувватлаш, жиддий ёрдам ҳафта бошида сизга кўтаринки руҳ бағишлайди. Пайшанба қутилмаган воқеаларга бой бўлади. Дам олиш кунини турмуш ўрғингизга бахшида этинг.

СУМБУЛА. (24.08-23.09) Ўз имкониятларингизга кўпроқ ишониб юрган ички қарам-қаршиликларни ниҳоят тушуниб етасиз. Болалар ва севимли ёрингизга бўлган талабчанлигингизни бироз орқага суриб қўйишга тўғри келади, чунки бу кун улгарсиз бир кун ҳам яшай олмаслигингизни сезасиз.

ТАРОЗУ. (24.09-23.10) Ушбу ҳафтада обрўли кишилар билан алоқалар, суҳбатлар ва учрашувлар, ижодий қизиқиш, қўйилган мақсадларга тўлиқ ёндашув сиз учун катта аҳамиятга эга. Айрим молиявий муаммоларни ижодий тарзда ечиш мумкин. Ҳар бир қилаётган ҳаракатингизда ўзингизнинг ақлинигизга ишонинг.

ЧАЕН. (24.10-22.11) Чет элга саёхатни режалаштирманг. Ишга юзак ёндашув ва ўз имкониятларингизга ортинча баҳо бериш турлича қутилмаган мождорларни келтириб чиқариши мумкин.

УК-ЕЙ. (23.11-21.12) Ҳафтанинг дастлабки кунларидан ҳар қандай бошланган иш учун ёрдам берадиган вақтни қўлдан чиқарманг. Ҳўжалик ишлари, оила ва болаларингизга эътиборда бўлинг.

ТОҒ ЭҶКИСИ. (22.12-20.01) Ҳафта қутилмаган моддий муаммоларни келтириб чиқаради. Бу ҳафта сиз учун текшириш давридир. Сизда бошланган кўч ўзгариши вақтинчалик ҳодисадир. Фаол интеллектуал фаолият учун тўсиқлар йўқ. Дам олиш кунларида оилавий ҳаётингизда ноҳус воқеалар келиб чиқиши мумкин.

ҚОВҒА. (21.01-19.02) Бу ҳафта сиз учун қийинроқ кечади. Моддий муаммолар, ишдаги камчиликлар, яширин душманларнинг ҳаммалари бўлиши мумкин. Сизни қувват етишмаслиги қутади. Қийинчиликлар ва жисмоний камчиликлар соғлигингизга таъсир қилади. Сегви бобида эмоционал тулқинни ушлаб туришга ҳаракат қилинг.

БАЛИҚ. (20.02-21.03) Сизнинг сезувчанлик қобилиятингиз жуда юқори бўлади. Қийинчиликлар ва жисмоний етишмовчиликлар соғлигингизга ёмон таъсир қилади. Иш фаолиятингиздаги қатъиятлингизга баъгал бир қанча нуқсонларни келтириб чиқаради. Бу дам олиш кунларидан келиш эҳтимоли бор.

Имом ал-Бухорийни ёзозлаб ЖАМҒАРМАНИНГ ҲАДЯСИ

Имом ал-Бухорий юбилей тантаналарида кизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Кўпгина ишларнинг ташкилотчиси бўлган «Имом ал-Бухорий» халқаро хайрия жамғармаси бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Тарихий маълумотларга қараганда, Имом ал-Бухорий 40 га яқин китобларнинг муаллифи бўлган. Жамғарма саъй-ҳаракатлари туйфайли аллома қаламига мансуб 24 та китоб аниқланди. Шулардан 2 таси ўзбек тилига таржима қилинган. Жамғарманинг ҳомийлигида Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва илмий маънавий меросига бағишланган китоблар нашр қилинмоқда. Убайдулла Уватовнинг «Имом ал-Бухорий ҳаёти», Саид Азим, Муҳаммад Алининг «Имом Бухорий таърифи» китоблари шулар жумласидандир.

Р. ҚҮРБОНОВ.

Ёзда дам олишга имкони бўлмаган ҳамюртлар! Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши қoшидаги санаторий-курортлар бошқармасининг йўлланмалар сотиш бюроси

Сизни Республикаимизнинг ноёб табиий иқлим омиларига эга бўлган касабаси уюшмалари санаторий ва курорт муассасаларига даволаниш ва дам олишга таклиф қилади.

- Тошкент шаҳрида:**
 - Кўп тармоқли «ТУРОН» санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб, гинекологик касалликлари);
 - «ЧИНОБОД» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзолари ва гинекологик касалликлари);
 - Махсус йўлланмалар бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.
- Тошкент вилоятида:**
 - «БОТАНИКА» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб касалликлари);
 - Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.
 - Кўп тармоқли «БҮСТОН» санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб ва урологик касалликлари);
 - Махсус йўлланмалар бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.
 - Шунингдек бу ерда 12 кунлик оилавий дам олиш уйи ҳам ишламоқда.
 - «8 МАРТ» санаторийсига (гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлик билан оғриган эр-хотин даволанади);
 - «ОҚТОШ» санаторийсига (нафас органларининг туберкулезга алоқадор бўлмаган касалликлари);
 - «СУҚОҚ» оилавий пансионатига
- Анжидон вилоятида:**
 - Кўп тармоқли «МАРҲАМАТ» санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб ва сунуқли тери касалликлари);
- Бухоро шаҳрида:**
 - «СИТОРАИ МОҶИ ХОСА» санаторийсига (буйрак касалликлари) ёз фаслида (асаб, овқат ҳазм қилиш, таянч-ҳаракат органлари касалликлари);
 - «ЗОМИН» санаторийсига (нафас органлари ва асаб системаси касалликлари);
- Бизнинг йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон йўлланмалардир! Касабаси уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади.**
- Шу билан бирга курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудидида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизга ёрдам беради.**
- Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.**
- Манзиллимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24-уй.**
- Мурожаат учун телефонлар: 56-85-68, 56-73-56, 56-78-15, 56-70-97.**
- ЯНИЗ ҲАМЮРТЛАР! СИҲАТТОҶЛАР СИЗНИ КҮТМОҚДА.**

Бор бўл, оқибат!

ТҮЙЛАР ТҮЙГА УЛАНДИ

Кўёш уфққа оға бошлаган пайтлар маҳаллаларимизда ноғора-ю карнай-сурнай товушлари янграб қолади. Интиқлик билан кутаётган ёш-яланлар «Келин кели-и-и!» деб югуриб қолишади. Бу оқшоом «Наврўз» никоҳ уйига шундай файз кўнди. Етти жуфт келин-куёв миллий боғдаги Навоий ҳайкали пойига гулдасталар қўйгач, карнай-сурнай садолари янгради. Кенг ҳашаматли бинада никоҳлари қайд этилиб, тўй узуклари тақилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, пойтахт адлия бошқармаси, «Наврўз» савдо ишлаб чиқариш мажмуи ҳомийлигида ўтказилган ушбу тантаналар «Оила йили» дастуридаги тадбирлардан ўрин олган эди. Бу тантаналарга турмуш қурганларига элик йил бўлган 95 ёшли Ғулом ота Усмонов ҳамда Карима ая Хошимоваларнинг «олтин тўйлари» ҳам қўшилиб кетди. Маросим сабабчиларига гилам ва қандилар, бошқа кимматбахо совғалар топширилди. Кечанинг серфайзи, эсда қолари ўтишига таниқли хонандалар Ғуломжон Ёқубов, Мухриддин Холиқов, Гулбахор Сулаймоновлар дилбар қўшиқлари билан хисса қўшди.

Шоира Нилуфар, маҳалла хайрия жамғармасининг фаоллари висол оқшомлари нишонланаётган ёшларни табриклашар экан, республикаимизда иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич, кучли ижтимоий муҳофаза билан кўшиб олиб борилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Мазкур тадбир фикримизга далил бўла олади. Тўй маросимларининг ҳомий-ташкилотчилари барча харажатларни ўз зиммаларига олишга ҳаракат қилишди. Бундай тўйлар бир-бирига уланаверсин. Дарҳақиқат пойтахт ҳокимлиги ҳар бир ёш оилага бештадан гилам, адлия бошқармаси гилам ва қандилар совға қилди. «Наврўз» савдо ишлаб чиқариш мажмуиси эса 400 нафардан зиёд меҳмон учун дастурхон беъзади ва бошқа харажатларни кўтарди. Конституцияимизнинг 63-моддасида «Оила жамиятини

нг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», дейилади. Шундан келиб чиқиб эътироф этиш мумкинки, оилаларимизнинг қароқўл муҳофазаси Асосий қонунимизда ҳам белгилан қўйилган, дейди адлия бошқармаси бошлигининг муовини Гулнора Иномжонова.

Никоҳ тўйлари нишонланаётган ва ёшларга яна бир жиҳатдан ҳавас қилса арзийди. У ҳам бўлса яқинда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси қошида тўй маросимларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча хизматларни амалга оширишда кўмакдош бўладиган Ахборот-сервис хизмат маркази очилганидир. АСХМ келин-куёвларни тиббий қўриқдан ўтказиш, фото-видео-аудио ишларини бажариш, либослар, мебеллар ижараси; автотранспорт, нашриёт ишлари каби барча хизматни амалга оширади. Шу кун «Наврўз» никоҳ уйида ўзининг висол оқшомини нишонлаётган етти жуфт келин-куёв Ғулом ота ва Карима аяларнинг оқ фотихаларини олиш билан бирга АСХМдан бир умр бепул фойдаланиш учун махсус йўлланма билан ҳам тақдирландилар. Ана бунга яна бир ижтимоий ҳимоя, деса бўлади.

Ноҳир АЛИМОВ, Р. ШАРИПОВ, К. АГАЛЯН суратлари.

• Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

ЯШИЛ МАЙДОН ЯНГИЛИКЛАРИ

XIII ОСИЁ УЙИНЛАРИ

Осиё футбол конфедерацияси XIII Осиё уйинларида иштирок этувчи жамоаларнинг гуруҳларини эълон қилди. Хўш, мамлакатимиз терма жамоасининг ушбу нуфузли мусобақада имкониятлари қандай? Албатта, гуруҳда Қувайт терма жамоасининг бўлиши муҳлисларни бироз уйлантириши мумкин. Лекин бу Қувайтни енгиб бўлмайдми, дегани эмас. Ахир XII Осиё уйинларида 4 йил аввал Саудия Арабистони, Корея, Хитой сингари китъамизнинг донгдор жамоалари ҳам бизга таслим бўлишган-ку! Ҳаммаси тайёргарликка, иштиёққа боғлиқ. Уйлаймики, миллий терма жамоамиз 4 йил аввалги галабаларини яна бир бор такрорлаб, барча юртдошларимизни ҳашуд эттишади. Олдинда эса бир неча ўртоқлик учрашувлари бор.

БАНГКОК 30.11.98 - 19.12.98

- «А» гуруҳи: Туркменистон, Вьетнам, Корея.
- «В» гуруҳи: Хитой, Ливан, Комбожа.
- «С» гуруҳи: Яман, Япония, Ҳиндистон.
- «Д» гуруҳи: Тожикистон, Мальдив, Катар, Бруней.
- «Е» гуруҳи: Корея Де-

ТЕННИС: ДЭВИС КУБОГИ

26-27 сентябрь кунлари Австралияда теннис бўйича Дэвис кубоги учун кизгин беллашувлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон гуруҳига ўтиш босқичида Австралия теннисчилари билан сафарда куч синашдилар. Учрашув мезбонларнинг йирик галабаси билан тугади. Дастлабки кун Патрик Рафтер Олег Огородовни қийинчилик билан ютди. Дунёдаги энг кучли жуфтлик ҳисобланмиш. Вудбриж /Вудфордлар билан Огородов/ Томашевич жуфтлиги ўртасидаги баҳсда голиб фақатгина Тай-брейкларда аниқланди.

Қуйида ўйинлар натижалари билан батафсил танишинг: Жаҳон гуруҳи:

- 1/2 финал
- Италия - АҚШ - 4:1
- Швеция - Испания - 4:1
- Утиш босқичи
- Австралия - Ўзбекистон - 5:0 (Рафтер - Огородов: 6:3, 6:3, 6:4.
- Столтенберг - Куценко - 7:5, 6:1, 6:0, Вудбриж (Вудфорд - Огородов) Томашевич - 6:3, 7/6(3), 7:6(4); Рафтер Томашевич - 6:2, 6:4, Столтенберг - Огородов - 6:3, 6:3.
- Бразилия - Руминия 3:0.
- Чехия - ЖАР 5:0.
- Буюк Британия - Ҳиндистон 3:2.
- Франция - Исроил - 4:1.
- Россия - Япония - 3:0.
- Голландия - Эквадор - 5:0.
- Аргентина - Словакия - 2:1.

ОСИЁ - ОКЕАНИЯ МИНТАҚАСИ

- 1-гуруҳ, плей-офф.
- Хитой - Индонезия - 5:0.
- Лекин биз мағлубиятдан тушқунликка тушмаслигимиз керак. Чунки биз жаҳоннинг энг кучли жамоасига қарши уйнадик. Насиб бўлса улар билан ҳали кўп бор учрашамиз.

Дониёр ЮСУПОВ.

БОШ МУҲАРРИР:
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси - 56-25-36
Бош муҳаррир уринибосари - 56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БҮЛИМАЛАР:
Касабаси уюшмалари ва иқтисодиёт - 56-82-79
Ахборот ва спорт - 56-87-63. Миллатнинг ва маданият - 56-82-79. Халқаро, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлар - 56-85-43. Тизорат ва ҳуқуқ - 56-85-66.
ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Ургенчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Ташкил этилган 1991 йил 21 мартини ҳисоб қилиб.
Сотулув арқини нархда.
«Алтынчи» 700165,
Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашир курсатқини: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 тўптамдан тўртинчи раундда берилган ИВМ компьютеридида терилган ва сақланган. Офсет усулида бошланди. Бичими А2. Ҳажми 2 босма тибко.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси:
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширишда 21.00